

УДК 39 (395:397:398); 21/29

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОЛОГИЯСИДА АПОТРОПЕЙЛАР

Алибеков Умурзок Юлдашевич

Гулистон давлат университети (Ўзбекистон)
катта ўқитувчи

Абдушукурова Икбол Кучкаровна

Гулистон давлат университети (Ўзбекистон)
катта ўқитувчи
E-mail: ikbol_1975@mail.ru

Аннотация. Мақолада апотропей тишиунчасининг талқини келтирилиб, ўзбек халқида учрайдиган апотропейлар ва уларнинг моҳияти қараб чиқилган. Айрим апотропейлар бугунги кунда ҳам майорий турмушида учраши мисоллар орқали кўрсатилган.

Калит сўзлар: апотропей, тумор, афсун-дуо, ёвуз рух, ҳимояланиш, халқ оғзаки ижоди, апотропеик магия.

АПОТРОПЕИ В ЭТНОЛОГИИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

Алибеков Умурзок Юлдашевич

Гулистанская государственная университет (Узбекистан)
старший преподаватель

Абдушукурова Икбол Кучкаровна

Гулистанская государственная университет (Узбекистан)
старший преподаватель

Аннотация. В статье приводится трактовка понятия апотропей, рассматривается сущность апотропеев, встречающихся у узбекского народа. На примерах показано, что некоторые апотропеи и сегодня встречаются в бытовой жизни.

Ключевые слова: апотропей, талисман, магическое заклинание, злой дух, защита, устное народное творчество, апотропеическая магия.

APOTROPEIAS IN THE ETHNOLOGY OF THE UZBEK PEOPLE

Alibekov Umurzok Yuldashevich,
Gulistan State University (Uzbekistan)
Senior Lecturer

Abdushukurova Ikbol Kuchkarovna
Gulistan State University (Uzbekistan)
Senior Lecturer

Abstract. The article provides an interpretation of the concept of apotropaea, examines the essence of apotropaea found among the Uzbek people. The examples show that some apotropaea are still found in bətovy life today.

Key words: apotropaic, talisman, magic spell, evil spirit, protection, folklore, apotropaic magic.

Кириш (Introduction). «Этнографик түшүнчалар ва терминлар мажмуй» да апотропей (тумор) “одамни, ҳайвонларни, ўсимликларни, нарсаларни ва иморатларни ёвуз кучлардан (рухлар, илоҳлар, кўз тегиш, сеҳр-жоду назаридан) ва зарар келтирувчи таъсирдан сақлаб қолувчи предмет, белги, ҳаракат ёки ҳолат, сўз, жумла, товуш, хид” деб таърифланади [11, с.135; 6, с.90].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). В.И.Динин ўз мақоласида апотропей түшүнчасига изоҳ бериб, диний маданиятдаги (асосан рус халқ анъанасидаги) ушбу мураккаб ҳодисанинг асосий элементларини очиб беришга ҳаракат қилди [6]. Х.Алламуратова апотропеяни этнолингвистиканинг тадқиқ обьекти сифатида ўрганиб, апотропеик исмлар семантикасини ўзбек антропонимлари мисолида ёритди [2]. И.Н.Махмутов мақоласида [10] қозон татарларининг ҳимоя магияси таҳлил қилинган. Диний маданиятдаги апотропей ҳодисасининг мазмун-моҳияти аниқланиб, урф-одатлардаги ҳаракатларнинг апотропеик хусусиятлари кўрсатилган.

Апотропей – ҳимоя қилишнинг магик усули бўлиб, ҳар доим ёки деярли ҳар доим инсон томонидан бажарилади. Аммо, тадқиқотчилар томонидан “апотропеик магия”нинг чегаралари, уни қўллаш соҳалари турлича белгиланади. Немис олим Л.Дейбнер келгусида инс-жинслардан сақлаб қолувчи апотропеик удумларни ва айни вақтда мавжуд бўлган ярамас нарсалардан, ёвузликлардан тозаловчи “катартиқ” удумларни ажратиш зарурлигини таъкидлаган эди [16, с.6]. Е.Г.Кагаров қуйидаги тўрт гурухдаги ҳимояловчи ҳаракатларини “сақлайдиган” ёки “профилактик” магия [8, с.152-153] деб белгиланган магик чора-

тадбирларнинг катта бўлимига бирлаштириди ҳамда апотропеик ҳаракатлардан фарқланувчи магик ҳаракатлар турлари деб таърифлади: 1) “алдайдиган” ёки “экзапатетик” актлар, улар иблисларни алдашга, чалғитишга қаратилган уринишлар (масалан, маскарад кийими кийиш маросими); 2) “яширадиган” ёки “криптик” ҳаракатлар, улар ёвуз руҳларни алдашга интилмасдан, балки “куёв ва келинни ёмон кўздан ва ёвуз кучлардан (инс-жинслардан) асраб қолишига интилади (масалан, келин бошига рўмол ташлаб қўйиш ва ҳк.); 3) “ўзини четга оладиган” ёки “апофевтик” ҳаракатлар, улар инс-жинслардан қутулишнинг энг пассив воситалари ҳисобланади (масалан, овқатдан воз кечиш ва б.) [8, с.153, 161-170]; ва, ниҳоят, 4) “апотропеик” ёки “қайтарувчи” ҳаракатлар қаторига ёвуз руҳлар ёки иблисларга қарши қаратилган ва уларни қайтариш ёки қўрқитишга интилган, кўпроқ ёки камроқ агрессив характердаги магик ҳаракатларни киритади [8, с.152-153, 154-160]. Айни вақтда, Кагаров “ундайдиган” ёки “протрепик” магия бўлимини ҳам ажратиб, бу магия турлари бирон-бир ижобий қадриятларга (серҳосиллик, бойлик, руҳлар ҳомийлиги ва ҳк.) эришишга интилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу бўлима, хусусан, “тозаловчи” ёки “катартик” удумлар (сув ёрдамида ёшариш ва б.) киритилиб, улар ёвуз инс-жинслар ҳужум қилиб бўлгандан кейин, ярамас нарсалар, турли ёмонликлар одамга ёки ҳайвонга кириб кетганидан кейин қўлланилади. Бу инс-жинслар ва ярамас нарсалар турли тозаловчи воситалар ёрдамида йўқотилади, ювиб тозаланади [8, с.188].

С.А.Токарев эса Е.Г.Кагаров тилга олган апотропеик, диссимуляцион, криптик ва апофевтик сақловчи-магик ҳаракатларни битта умумий “апотропеик (хайдовчи) магияга бирлаштириб, удумларнинг ушбу тўртта гурухи ўртасидаги фарқлар деярли билинмайди ва уларнинг барчаси апотропеик магияга жуда яқин, деб ҳисоблайди [12, с.23]. Токаревнинг фикрича, магиянинг бошқа тури катартик, яъни тозаловчи магия бўлиб, у ўз ичига “инсон танасига, уй-жойига ва ҳоказоларга кириб олган ёвуз таъсирлардан тозалаш удумлари”ни киритади [12, с.23]. Е.Е.Левкиевская ҳам магик ҳаракатларни таснифлаб, уларни Зта гурухга ажратади (кўпайиб бораётган, апотропеик ва реабилитацион магия) [9, с.9, 20, 21].

Тошлиар, сув, қуёш нури, олов, чақмоқ, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ўзига хос турлари ва бошқа нарсалар, ҳамда инсон томонидлан тайёрланган буюмлар апотропей бўлиши мумкин. Е.Е.Левкиевскаянинг фикрича, сўзлар, маросимлар, урф-одатлар, имо-ишоралар, мусиқа ва бошқалар апотроплар ролини ўйнаши мумкин. Н.Ф.Сумцов сақланиш, ҳимояланишларни моддий, рамзий ва оғзаки тоифаларга ажратади [2, б.203].

Апотропей атамасини кенг илмий мұомалага киритилиши Е.Г.Кагаров номи билан боғлик. У шарқий славянларнинг түй-никоҳ маросимларида бир гурух магик ҳаракатларни ажратиб, улар “агрессив”, яъни тажовузкор характерда эканлигини, куёв ва келиндан ёвуз рухларни, инс-жинсларни ҳайдаш учун бажарилганини; бундай ҳаракатлар “апотропеик”, ёки апотропеик маросим деб номланишини ёзган [8, с.153].

Апотропейнинг асосий функцияси ҳимоя қилиш, балодан, фалокатдан асралашдир. Аммо ҳар қайси ҳимоя ҳам апотропеик ҳисобланмайды. Масалан, ғайритабиий мавжудотлар (уйни ҳимоя қилувчи ажина (домовой), ўрмонда ўтлаб юраётган молни қўриқлаётган алвости (леший), одамларни бўрилардан ҳимоя қилувчи авлиё Георгий кабилар) томонидан одамга кўрсатилган протекция апотропей бўла олмайды. Ўз шаклига кўра апотропей қандайдир реал объект ёки ҳодисадир. Бироқ, бунда ҳам совукдан ва шамоллашдан сақланиш учун кийиладиган иссиқ кийим, ёввойи ҳайвонларни қўрқитиш учун қўлланиладиган милтиқ, ёнғинни тарқалишига йўл қўймаслик учун ёнғин содир бўлган жой атрофини кавлаш учун ишлатилган асбоблар ва бошқа рационал воситалар ҳам апотропей ҳисобланмайды [6, б.90].

Қадимги юонон тилидан “апотропей” – “баҳтсизликдан, фалокатдан сақлаб қолувчи”, “ёвузликни қайтарувчи” деб таржима қилинади. Қадимги юононларда ҳар хил қўрқинчли тасвиirlар (шерлар, горгоналар, грифонлар ва ҳоказолар) апотропейли тасвиirlар ҳисобланиб, улар ривоятларга кўра, одамлардан ёвуз рухларни ҳайдайди, уйларини, экинларини, уй ҳайвонларини ҳимоя қиласди. Айрим олимлар бундай ҳимоя қиласиган афсонавий нарсаларни апотропеёнлар деб номлашади. Х.Алламуратовнинг фикрича, **апотропей** - сақланиш-ҳимояланишни ифодаловчи буюм, предметни ифодаласа, **апотропея** ўзига хос жараён – ҳимояланишга ишорадир [2, б.203]. Бу ерда айтиш керакки, биз ўрганиб чиққан бошқа ишларда “апотропея” сўзини ва унинг бундай талқинини учратмадик.

Бугунги кунда туркий халқларда апотропеик магия, апотропей ҳодисаларини ўрганиш, айниқса ислом динида ўхшаш ҳодисаларни қиёсий ўрганиш долзарб мавзулардан ҳисобланади. Апотропейлар нафақат туркий халқларда, балки бошқа халқларда ҳам мавжудлиги, уларнинг моҳияти, тавсифларини ўрганиш ниҳоятда қизиқарли мавзу ва этнология фанида янги тадқиқотларни олиб боришга ундейдиган муаммодир.

Тадқиқот методологияси / Research Methodology. Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб туркий халқларнинг маросимлари, урф-одатлари хизмат қилди. Тадқиқот методлари: луғавий-маъновий, этнологик-тариҳий таҳлил, таснифлаштириш, умумлаштириш.

Таҳлил ва натижалар / Analysis and results. “Апотропей” атамасининг славян-рус эквиваленти “оберег” сўзи бўлиб, у кимнидир ёки ниманидир фалокатдан (бало-қазолардан) сақлаб қолувчи маъносини билдиради. В.И.Даль “Жонли буюк рус тилининг изоҳли луғати”да “оберег” – афсун, қайтариқлар, кўз тегишдан қайтариш сўzlари ва урфи; сабоқлар; дам солиш, зарарли кўзга йўл бермаслик; тумор,ладанли тумор, кўз тегишдан, оловдан, сувдан, илондан, тўй бузилишидан, касалликдан, ўлатдан ва ҳоказолардан сақлаб қолиш учун осилган тумор деб изоҳланади [5, с.579]. “Оберег” шимолий рус лексемаси ўзининг тор маъносида кичик фольклор жанрини белгилаш учун қўлланилган ва ўз ичига афсунларни, дуоларни, куф-суфларни ва бошқа сақловчи характердаги вербал матнларни киритган [7]. Демак, юонча “апотропей” кимдандир ёки нимадандир бирон нарсани ҳайдайдиган бўлса, “оберег” кимнидир ёки ниманидир бирон нарсадан сақлаб қолувчи деб тушунилиши мумкин. Шунга қарамай, бу иккита атама синонимлар ҳисобланади. Ўзбек тилида оберег “тумор ёки дуб” деб таржима қилинади ва шу сўз маъносини билдиради.

Апотропейнинг асосий вазифаси муаммонинг олдини олиш, тумор эгасини ёвуз кучлардан, ёвуз рухлардан химоя қилишдир. Апотропик (кувловчи) афсун-дуолар ҳам апотропейларга боғлиқ бўлади. Бу хилдаги афсун-дуоларда сеҳржоду қудратига эга бўлган тумор, доира, пичноқ, игна, туз, пиёз, саримсоқ, нон, исириқ, қалампирмунчоқ, кўзмунчоқ, пул каби воситалар ёрдамида киши танасига кириб олган ёмон рухлар қувилади. Афсун-дуолар ижроси пайтида афсун-дуолар турли туман пирларга, вали ва пайгамбарга мурожаат этилиб, олло-таолодан мадад тиланади. Чунки уларнинг барчаси ёш куёв-келиннинг, чақалоқнинг зиён-захматлардан, инс-жинслардан, ёмон назарлардан химоя қилишга хизмат қиласидилар. Апотропейларга фольклорнинг, яъни ҳалқ оғзаки ижодининг қисқа оғзаки формулалари (ёки афсунлар, форсча “афсун” – сеҳр, магия, афсун, сеҳгарлик дуоси) киради. Уларнинг вазифаси ёмон кўзлардан, ёвуз рухлардан, касалликлардан асраш. Масалан, “субханаллоҳ”, “машааллоҳ”, “кўз тегмасин”.

Яна ўзбек ҳалқида айтимлар ва иримлар борки, улар ҳам апотропеик ҳисобланади. Масалан, чақалоқни бешикка белашдан аввал, ёши улуғ момо чақирилиб, бола чўмилтирилади. Болани илк бор чўмилтирганда айтиладиган айтимлардан: “Сув пок, сан нопок, пок сув санга бўлсин. Сени нопоклигинг амиру хонларга бўлсин”, [13, б.81] - деб айтилади. Ўзбек ҳалқи бешикка боғлаш маросимларида бешикнинг бош томонида кўрпачасини тагига нон, пичноқ, пиёз қўйилади. Нон ризқ-насибали бўлиши учун, пиёз зиён-захматдан, кўз-сухдан асраш мақсадида қўйилади. Бу иримлар магик тасаввурларнинг инсон онгидаги доимий яшашини кўрсатади.

Бешикнинг устига ёши катта, кўп ухлайдиган кишини кийимидан ташлаб қўйилади. Улуғ киши бўлсин, узоқ ва тинч ухласин, деган ишонч билан ирим қилинади... Намаганлик ўзбекларда болани бешикка боғлашдан олдин бешикка боланинг отасини оёқ кийимини қўйиб олишаркан. Унинг маъноси отасини изини боссин, деган ниятни ифодалар экан [13, б.84].

Татар ва бошқирд халқарида ҳам “Субханалла, машалла, коз тимесен, баш ала” (Аллоҳ табаррук! Кўз тегмасин, бошингни урмасин) ёки “тфу-тфу, мен эгилмедин, шайтан аяқ чалди” (туф-туф, мен йиқилмадим, шайтон тушди) каби айтимлар бор.

Ўзбек халқида игна, тўғноғич, пичноқ каби ўткир нарсалар апотропей сифатида қўлланилади. Масалан, пичноқни чақалоқ бешигидаги ёстиқ тагига, келин ва куёв чимилдигидаги кўрпача тагига қўйишади, кўз тегмасин ва турли ёмонликларни олдини олсин деб. Шунингдек, қўзмунчоқ осиш ҳам апотропеик белги ҳисобланади. Кўзмунчоқ тақищдан мақсад кўз тегишидан ҳимояланиш, паноҳланиш ҳисобланади [15].

Ўзбек халқида, шунингдек, апотропеик исмлар учрайди. Улар чақалоқни ёвуз кучлардан, турли зарарли рухлардан, кўз тегищдан, касалликлардан асрар, ҳимоя қилиш учун қўйилади, масалан, Сангир (тўсиқ, қўрғон), Зулфия (занжирдек маҳкам) ва бошқалар[2, б.204]. Ота-оналар боланинг соғлиги, яшаб кетиши, келажак бахти ва омади унинг исмига боғлиқ деб билишган. Бу эътиқод кишиларда исмлар хосиятли ва хосиятсиз бўлади деган тасаввурни туғдирган. Э.А.Бегматов ёзганидек: «Чақалоққа қўйиладиган исм унинг тақдирига таъсир қиласи, исмлар хосиятли ва хосиятсиз бўлади, дейилган тасаввурлар даврлар ўтиши билан исмларни боланинг ҳимоячисига, унга қандайдир боғланган, болага умри давомида эш, ҳамдам бўлиб юрадиган воситага айлантира борган. Шу тарзда «асровчи исмлар» ёки «ҳимояловчи номлар» деб юритилувчи номлар гуруҳи юзага келган» [3, б.590].

Туркий халқларда апотропеик магия анъанавий эътиқодларда, маросимларда, урф-одатларда, мақолларда, пандномаларда учрайди. Хавф-хатарни ҳайдаш, даволашдаги магик ҳаракатлар ҳам апотропеик магия ҳисобланади. Татарлар арча одамни албастидан ҳимоя қиласи, ёвуз рух келтирган касалликдан даволайди, деб ишонишган. Қозон татарлари халқ топишмоқларида кўплаб тақиқлар сақланиб қолган. Топишмоқларнинг келиб чиқиши шартли, яширин нутқ билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳайвонларга, нарса ва ҳодисаларга ҳақиқий номини беришни истамаган одам мурожаат қиласи. Одамлар муаммога, фалокатга дуч келмаслик учун бирон-бир жонзотнинг номини айтишдан кўрқардилар [10, б. 47]. Масалан, қабристон ҳакида

гапирганда, “тутунсиз овул” (яъни ҳеч ким яшамайдиган овул), “илон” сўзи ўрнига “қамчи” дейишган.

Маълумки, туркий халқларда ичига ёзувли қоғоз ёки мато солинган учбурчак халтacha туморлар осиб юриш одати бор. Ёзувлар асосан Куръон сураларидан бири ёки афсун-дуодан иборат бўлади. Бу борада татар туморларини ўрганган Н.И.Воробьёв: “диндор татарларда танага халтacha шаклидаги тумор кийиш одати бор, унга қоғозга ёзилган афсун ёки дуо тикилиб, ёвуз руҳлардан ҳимоя қиласди. Боти деб аталадиган бундай тумор болалар, эркаклар, аёллар томонидан кўйлак остига ёки елка қисмга осиб қўйилади... Куръондан ёзилган суралар нуқтасиз ёзилади, уни шайтон ўқий олмайди ва қўрқади”, деб ёзган эди [4, с. 421-424].

Ўзбекларда бўрининг териси, тиши, панжаси ҳам апотропей ҳисобланади. Умуман, инсон-бўри мавзуси турли анъаналарда намоён бўлади, чунки кўпчилик халқларда у муқаддас ҳайvon ҳисобланган. Туркий халқлар бўрининг ғайритабии хусусиятлари борлигига ишонишган. Айрим туркий халқлар (масалан, Шимолий Кавказдаги туркий халқлар) одатига кўра, агар болага бўрининг юраги ёки жигари едирилса, бола кучли ва мард бўлиб ўсади. Касал бўлган болани бўрининг пўстини ёки оғзи тагидан ўтказиб даволаганлар. Бундан кейин, бешикка пўстин бўлакчасини ёки бўри оғзидағи суякчани осиб қўйишган; бўри жунидан кокилча ўраб, бўри суякчasi ёки тешилган ошиқчasi ва тирноқларини бойлаб, бешикка илиб қўйишган. Халқ назарида бўри ҳар хил инс-жинсларнинг, ёвуз руҳларнинг ва шайтонларнинг ашаддий душмани ҳисобланган [1, б.41-42]. Шайтонлар ва инс-жинслар бўридан қўрқадилар, бўри терисидан тикилган пўстин ёки бўри териси осиб қўйилган уйга кирмайдилар [1, б.45-46].

Туркий халқларда бўрининг тиши, айниқса қозиқтиши, кўз тегишига қарши тумор ролини бажарган. Бўри тишлари, тирноқлари, териси бало-қазолардан сақлайдиган тумор сифатида янги тугилган чақалоқларнинг бешигига бойланган, айрим уруг ва қабилаларда бугунги кунгача ҳам тумор сифатида болалар ва катталарнинг уст-бошларига тақиб қўйилади, деворга осилади ва ҳқ. Бугунги кунда бундай туморларни бозорларимизда учратиш мумкин. Масалан, Самарқанд шахридаги Сиёб бозорида бўрининг териси, тишларидан ва тирноқларидан ясалган туморлар сотилмоқда.

В.И.Дининнинг таъкидлашича, халқ маданиятида апотропейга нисбатан маълум танланганлик мавжуд. Барча нарсалар, ҳаракатлар ҳам апотропей бўла олмайди. Рус крестьянларида 19 асрда ва 20 аср бошларида уй-рўзғор буюмлари (борона, пичоқ, болта, игна, супурги ва б.) обереглар сифатида қўлланилган, арава, келисоп, чана ва бошқалар апотропей сифатида ишлатилмаган.

Апотропейни танлашда таҳдиднинг характери, у ёки бу гайритабиий мавжудотларга боғлиқлиги ҳисобга олинган. Ҳар хил”нопок кучлар”дан ҳимояланишда ҳар хил апотропейлар фойдаланилган ва улар анъанавий тарзда маълум бир ҳолат учун қўлланилиши кераклиги кўзда тутилган [6, б.94].

Хулоса ва тавсиялар / Conclusion/Recommendations. Апотропей – бу ҳимоянинг магик услубидир, чунки ҳар доим, ёки деярли ҳар доим у шахс томонидан бошқарилади ва бажарилади. Апотропеик магия ёки сеҳр чегаралари, унинг мақсади ва қўлланилиши қамрови тадқиқотчилар томонидан турлича белгинади.

Халқ маданиятида ёвуз кучлардан ҳимояланиш учун апотропеик магия ва апотропейлар сифатида у ёки бу нарсалар (пичоқ, болта, игна ва б.), сифат ва миқдор тавсифлар (ранг, тайёрлаш материали, учта игна, кирсовун ва игналар ва ҳк.), инсон томонидан бажариладиган ҳаракатлар (доира бўйлаб юриш, игна санчиш, исириқ тутатиш ва ҳк.) қўлланилади. Шунингдек, вербал апотропейлар ҳам (иборалар, сўзлар, афсун-дуолар ва .) борки, улар ҳам апотропеик усуллар сифатида қўлланилади. Кўпинча апотропей ва апотропеик магия уйғунлашган ҳолда қўлланилиб, бу контаминация ҳам дейилади. Контаминация ҳомояловчи қуроллар, воситалар, нарсаларнинг, сифат-миқдорий атрибутив тавсифларнинг ва инсон томонидан қўлланиладиган усуллар (техника, ҳаракат)ларнинг ўзаро интегратив амал қилиши асосида вужудга келади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай нарса анъанавий маданиятда маросимий мақсадлар учун хизмат қилиши мумкин. Аммо ҳар қандай нарса апотропей бўла олмайди. Апотропей эса нафақат нарсанинг ўзи, балки шу нарсанинг ҳаракати, ёки сифати бўлиши мумкин. Ҳимоя магияси усуллари инсонларни қадимдан ёвуз руҳлардан сақлаб келган. Ҳимоянинг энг тарқалган усули туморлар бўлган. Туморлар тариқасида ҳайвонларнинг суяклари, тишлари, Қуръон суралари, инсонга берилган лақаблар хизмат қилиши мумкин эдики, бу ҳимоялаш ва сақланиш усуллари фетишизм сарқитлариdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати / References

1. Алибеков У., Умарова А. Туркий халқларнинг тотемистик ва этномифологик қараашларида бўри тимсоли // Society and innovations. Special Issue. 5 (2021) / 39-48 бб. URL: https://www.researchgate.net/publication/352855825_Turkij_halklarning_totemistik_va_etnomifologik_karaslarida_buri_timsoli
2. Алламуратова Х. Апотропея – этнолингвистиканинг тадқиқ объекти сифатида // O’zMU xabarlari. 2021. [1/2/1]. B.202-206. URL: [https://science.nuu.uz/admin/pdf/Uzmu-121-2021\(3-bolim\).pdf](https://science.nuu.uz/admin/pdf/Uzmu-121-2021(3-bolim).pdf)

3. Бегматов Э.А.. Ўзбек исмлари маъноси. – Т.: ЎзМЭ, 1998. – Б. 590
4. Воробьев Н. И. Материальная культура казанских татар. – Казань: Дом татарской культуры, 1930. – 465 с.
5. Даля В. И. Толковый словарь живого великорусского языка: в 4 т. / В. И. Даля. – СПб. ; М. : Изд-во М. О. Вольфа, 1881. – Т. 2.
6. Дынин В.И. О понятии апотропея, или оберега // Вестник ВГУ. Серия: История. Политология. Социология. 2013. №1. С.90-94.
7. Зеленин Д. К. Магическая функция примитивных орудий. // Избранные труды. Статьи по духовной культуре. 1917–1934. – М. : Индрик, 1999. – С. 100–139.
8. Кагаров Е. Г. Состав и происхождение свадебной обрядности / Сб. Музея антропологии и этнографии(МАЭ). – Л., 1929. – Т. 8. – С. 152–195.
9. Левкиевская Е. Е. Славянский оберег: семантика и структура. – М. : Индрик, 2002.
10. Махмутов И.Н. Традиционная защитная магия казанских татар. // Вестник магистратуры. 2015, №6-1(45). C.82-86.
https://magisterjournal.ru/docs/VM45_1.pdf
11. Религиозные верования/ отв. ред. В. Н. Басилов, И. Винкельман - М.: Наука, 1993. – (Свод этнографических понятий и терминов. – Вып. 5.)
12. Токарев С. А. Сущность и происхождение магии // Исследования и материалы по вопросам первобытных религиозных верований. – М., 1959. – С. 7–75. – (Тр. Ин-та этнографии АН СССР. – Т. 51.)
13. Турсунова Н. Иримлар фольклор жанри сифатида // Science and innovation. INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL |VOLUME 1| ISSUE 7| UIF-2022: 8.2 | 80-86 б. <https://cyberleninka.ru/article/n/irimlar-folklor-zhanri-sifatida>
14. Энциклопедический словарь/ Ф. А. Брокгауз, И. А. Ефрон. – СПб., 1897. – Т. 21А.
15. Кўзмунчоқ / URL: <http://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kozmunchoq-uz/>
16. Deubner L. Magie und Religion. - Freiburg ; Berlin, 1922.